

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОНАНИНГ РОЛИ

Н. Жуманова- ЖДПИ

**Аннотация:** Мазкур мақола фарзанд тарбиясида онанинг роли, уларнинг ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда оиладагиларнинг вазифаси ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** тарбия, оила, ота-она, фарзанд, ахлоқ, маданият.

Жаннат оналарнинг оёғи остида, дейилади муборак хадисларда. Бу сўзларда бир олам маъно, ҳаёт ҳикмати мужассам. Зеро, ҳар бир инсон бу дунёга келишдан олдин она жисмида яшайди, унинг бор меҳрини, қалб ҳароратини ҳис этади, тириклик лаззатини туйиб ривож топади. Аёлларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятдир.

Ўзбек оилаларининг аъзолари ўртасида ўрнатилган ўзига хос жиҳатлар улар барқарорлигини таъминлашда муҳим бўлиб келган. Масалан: Марказий Осиё худудига Ислом дини кириб келгач, оилага доир қонун-қоидалар ушбу дин таълимоти асосида шаклланди, яъни, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, шу билан бир қаторда хотин ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги, фарзандлар ота-оналари билан ўртада чегара борлигини ҳис қилиб, ҳурмат асосида мулоқотда бўлишлари оила барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

Ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб аёлнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида рисола ёзган Абу Али ибн Сино аёл киши оилада эрига муносиб, ҳаётда содиқ ҳамкор бўлмоғи даркор, деган фикрни илгари суради. Аёл аслида оила бахт-саодати таянчи, фарзандлар тарбиясини амалга оширишда синалган кўмакчидир.

Кейинги вақтларда Ўзбекистонда кенг кўламли, катта ҳажмдаги изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий кафолатловчи мустаҳкам қонунчилик базаси

шакллантирилди ва бу жараён такомиллаштириб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, аёлга иззат-хурмат, эъзоз-эҳтиром кўрсатиш — миллатга эҳтиром кўрсатишнинг бош омилига айланди.

2018 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони халқимиз томонидан хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, аёлларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва имкониятларини рўёбга чиқариш борасидаги тарихий ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш нимадан бошланади? Албатта, оиладан – эркакнинг ўз аёлига бўлган муносабатидан. Оқила ва тарбияли аёли бор оиладан асло ёмон фарзанд чиқмайди.

Ҳозирги кунда ўсиб-улғайиб келаётган ёшлар маънавиятини ахлоқий кадриятлар билан бойитиб, ватан учун хизмат қилишда комил инсон қилиб тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни бекиёсдир. Улар фақат фарзанд тарбияси билан чекланиб қолмай, турли хил ижтимоий-сиёсий соҳаларда ўз фаолиятларини олиб бориб, она-юртимиз фаровонлиги, равнақи ва ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Замон талабига жавоб бера оладиган билимли, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни тарбияласак, фарзандларимиз биз бугун гувоҳи бўлиб турган улкан ислохотларнинг муносиб давомчилари бўла олади, биз кураётган буюк давлатнинг ҳақиқий эгаларига айланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёлнинг маълумот даражаси эр билан тенг ёки ундан сал ортиқ бўлса, ўша оилада фарзанд баркамол вояга етади. Бундай аёллар ақли, билими, зехни туфайли турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси, қариндош-уруғлар билан яхши муомала қила олади, фарзандларига ибрат бўлади.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузи ошириш масалалари, бу соҳадаги кўплаб муаммоларни ечимларини топиш, аёлларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашни яхшилашга доир хулосалар, тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқарилиб, давлат сиёсатининг асосий диққат-эътибори хотин-қизларни жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги ўрнини янада юқори даражаларга кўтариш ишлари олиб борилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Юсупова Н.Ж. Исломда аёл ҳуқуқлари. – Тошкент: «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси», 2006. Б. 142
2. Аюпов О. Мир политика общество. – Гулистан: Издательство «Зиё», 2014. – Б. 149
3. Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.
4. Jumanova, N. (2020). АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Атамуродова, Р. К., Жуманова, Н. Ш., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Взгляды учёных средневековья о душе человека. Проблемы педагогики, (8 (19)).
6. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).
7. Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>

8.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>

9.Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari.